Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2007-yil 8-fevral, № 06 (527)

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

Республика Бош прокуратурасида

Ўзбекистон Бош прокуратурасида Бош прокурор Р.Кодиров раислигида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон президенти девонининг масъул ходими О.Муродов қатнашди. Мажлисда прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича 2006 йилги фаолияти якунлари муҳокама қилинди.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра 290 мингга яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиб, хизмат вазифасини талаб даражасида бажармаган 128 минг нафардан ортиқ мансабдор интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

Прокуратура органлари томонидан фуқаролар, юридик шахслар, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг манфаатини кўзлаб судларга 164 млрд. сўмликдан ортиқ 60 мингдан зиёд даъво аризаси киритилди. Лекин, пулларнинг ундирилиши етарли даражада таъминланмаган.

Тўлов интизомини мустаҳкамлашга оид қонун ҳужжатларининг бажарилиши устидан етарли назорат амалга оширилмаганлиги сабабли айрим ҳудудларда муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари салмоқлилигича қолмоқда.

Иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланиши, фуқароларнинг иш билан таъминланиши ҳамда бошқа ижтимоий ҳуқуқларининг кафолатланишига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан айрим вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги эътироф этилиб, «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган 2007 йилда бу соҳада назоратни янада кучайтириш ва мутасадди идоралар йўл қўяётган қонунбузилишларни бартараф этиш чораларини кўриш топширилди. Шунингдек, йирик корхоналар ва касаначилик ўртасида кооперациялашга оид қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш талаб этилди.

Қишлоқ хўжалигида қонунлар ижросини назорат қилиш, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, соҳадаги суиистеъмолчиликларга барҳам бериш каби вазифаларни бажариш самарадорлигини ошириш билан бирга, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга оид қонунлар ижроси устидан назоратга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, ширкатларни фермер хўжаликларига айлантиришда қонун талабига қатъий риоя қилинишини таъминлаш чорасини кўриш топширилди.

Вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимояси ва таълим-тарбиясига оид қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш, болалар қаровсизлиги ва улар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича жойлардаги комиссиялар билан ҳамкорликни янада фаоллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти томонидан соҳадаги жиноятларнинг сифатини яхшилаш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш борасида қилинган ишлар таҳлил қилиниб, прокуратура органлари томонидан ўтказилган тергов жараёнида жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарнинг 93 млрд. сўмга яқини ҳамда 33 млн. АҚШ долларидан ортиғи ундирилганлиги таъкидланиб, бу йўналишдаги ишларни янада фаоллаштиришга эътибор қаратиш лозимлиги эътироф этилди.

Мажлисда жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича судларда прокурор ваколатини таъминлаш аҳволи атрофлича кўриб чиқилди. Прокурорлар фаолияти судлар томонидан қонуний ва адолатли қарорлар чиқарилишига кўмаклашиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Кадрларни танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, ходимларнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини кескин ошириш бўйича фаолиятни янада яхшилаш ҳақида кўрсатмалар берилди.

Республика Бош прокурори томонидан қонунлар ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлашда прокурорларнинг масъулиятини янада ошириш борасида қатъий талаблар қўйилди.

Мухтор ЗОИРОВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғининг ўринбосари

Сарҳисоб

ҚИЛИНГАН ИШЛАР МУҲОКАМАСИ

2007 йил 1 феврал куни Мудофаа вазирлигининг марказий офицерлар уйида Ўзбекистон ҳарбий прокуратурасининг «Қуролли Кучларда қонунийликни таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш юзасидан 2006 йилда қилинган ишлар ва 2007 йилда амалга оширилиши белгиланган вазифалар тўғрисида» мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Мудофаа вазири Р.Мирзаев, Фавқулодда вазиятлар вазири Қ.Бердиев, МХХ давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, ИИВ қоровул қўшинлари бошлиқлари ва округ қўмондонлари, уларнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарлари, Республика ҳарбий прокуратураси раҳбарияти, жойлардаги ҳарбий прокурорлар ва бошқа офицерлар қатнашди.

Мажлисни Ўзбекистон Бош прокурорининг ўринбосари — Республика ҳарбий прокурори Ш.Узоқов кириш сўзи билан очиб, ҳарбий прокуратура органлари томонидан Қуролли Кучларда қонунийликни таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш юзасидан 2006 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталди.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари кун тартибидаги масала юзасидан маърузалар қилишди.

Кенгаш йиғилишида Ўзбекистон президенти девони масъул ходими Т.Ҳамроқулов ва Республика Бош прокуратурасининг бошқарма бошлиғи И.Очиловлар иштирок этишди.

Ёқубжон СОДИҚОВ,
Ўзбекистон ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

Алишер Навоий таваллудининг 566 йиллиги олдидан

Адолатли давлат, бахтли жамият орзуси

Алишер Навоийнинг маънавият ва маърифат ҳақидаги умуминсоний аҳамиятга эга бўлган таълимоти, юксак инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган ижоди хусусида минглаб мақолалар ёзилган десак ҳато бўлмас. Шу боис таваллуд тўйи муносабати билан буюк бобомизнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти тўғрисида бироз тўхталишга қарор қилдик.

Фикримизча, Навоийнинг асарларида тасвирланган адолатли шоҳнинг прототипи Ҳусайн Бойқаро бўлган. Алишер Навоийнинг мактабдош дўсти Ҳусайн Бойқаро Амир Темурнинг ўғли Умаршайх Мирзо уруғидан эди. Отаси ёшлигида вафот этиб кетганлиги боис у онаси Ферузабегим тарбиясини олган. Ферузабегим эса Моваронаҳр ҳукмдори Султон Абусаиднинг энг яқин қариндошларидан эди. Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг дўстлиги бир умр давом этган. Буюк шоир ўз асарларида адолатли давлат ғояларини тараннум этиш билан чекланмаган, балки жонажон дўсти билан қўлни қўлга бериб адолатли давлат қуриш ҳаракатида бўлган. 1466 йилнинг ўрталарида Султон Абусаид ўзининг рақиби бўлмиш Ҳусайн Бойқаронинг яқин дўсти бўлганлиги учун Навоийни «таҳсил билан машғул бўлсин» деган баҳонада Самарқандга Аҳмад Ҳожибек ҳузурига жўнатиб юборади. Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек Султон Абусаиднинг фармойишига кўра дарбадарликда юрган тахт даъвогари Ҳусайн Бойқаронинг тарқоқ қўшинларини таъқиб қилиб туриши лозим эди. Навоийнинг бутун оиласи, барча қариндош-уруғлари Бойқаро тарафида бўлган. Шоирнинг ўзи ҳам Ҳуросонда адолатли давлат қуриш, осойишта ҳаёт барпо этиш учун адолатли ва кучли ҳукмдор бўлиши керак деб ҳисобланган. У Самарқандда бўлганида ҳам Ҳусайн Бойқаронинг Ҳуросон тахтини эгаллаш йўлидаги курашларидан четда қолмайди. Дўстини ҳар доим кураш ва ғалабага илҳомлантиради, имкони борича унинг одамларига мадад беради. Асир тушиб қолганларини бир амаллаб ўлимдан сақлаб қолади. Навоий Ҳусайн Бойқаро билан бирга бўлмаса-да, улар махфий ёзишмалар олиб боришган, шоир умидбахш, фойдали маслаҳатлари билан дўстини ғалабага руҳлантириб турган. Дўстининг ғалаба қозонишига астойдил ишонган шоир унга умрининг охиригача хизмат қилди. 1469 йил рўза ойининг биринчи жумасида Ҳиротда хутба Ҳусайн Бойқаро номига ўқилган. Навоий дўстининг ҳокимият тепасига келишига бағишлаб 90 байтдан иборат «Ҳилолия» деган қасида ёзган.

Султон Ҳусайн 1470 йили Алишер Навоийни муҳрдорлик вазифасига тайинлайди. Бу саройдаги энг катта лавозимлардан бири эди. Кейин шоирга амири кабир, яъни катта амир унвони берилади. Навоий Бойқаро ҳокимиятини барқарор этиш учун қанча ҳаракат қилган бўлса, уни мустаҳкамлаш учун ҳам шунчалар курашган. 1470 йилда шаҳзода Ёдгор Муҳаммад Астрободда Ҳусайн Бойқарога қарши қўзғолон кўтаради ва Бойқаро Ҳиротдан ташқарида бўлганлигидан фойдаланиб шаҳарни эгаллайди. Бойқаро мағлубиятдан қаттиқ изтироб чекади. Навоий Ҳусайнни тезлик билан Ҳиротга ҳужум қилишга даъват қилади, аммо бу сирдан ҳеч кимни огоҳ қилмасликни шарт қилиб қўяди. Бойқаро қўшини зудлик билан Ҳирот томон йўл олади. Шаҳарга яқинлашгач бир қанча саркардалар Ёдгор Муҳаммад қароргоҳи бўлмиш «Боғи зоғон»га туш пайтида ҳужум қилишни маслаҳат берадилар, аммо Навоий бу фикрни рад этиб, ярим кечаси ҳужум қилишга ундайди. Зеро, кундуз куни Ёдгорнинг қўшинлари тезда йиғилиб, ҳужумни даф этишлари мумкин эди, аммо кечаси бунинг уддасидан чиқиш мушкул ишдир. Бундан ташқари, ҳужум муваффақиятсизликка учраган тақдирда ҳам тун пардаси остида ортиқча талофатсиз чекиниш осон деб маслаҳат беради шоир. Қўшин боққа яқинлашгач, Ҳусайн ичкарига киришга буйруқ беради, аммо ҳеч ким юрак ютиб биринчи киришга ботинолмайди. Шунда Навоий отини ўз навкари Бобоалига топшириб, қўлидаги қиличга ҳассадек суянганча боққа киради. Шунда қўшин шоирнинг ортидан худди баҳорда келган селдай ўзини боққа уриб, Ёдгор Муҳаммад ва унинг шерикларини қўлга оладилар.

Шу ерда бир лирик чекиниш қилишимиз жоизга ўхшайди. Навоийшуносолимларнинг айтишича, ўша пайтларда Алишер Навоий халқнинг тушунчасида шунчалар буюк бир мақомга эга бўлган эканки, буни сўз билан тасвирлашқийин. Оддий қилиб айтадиган бўлсак, одамлар ўша пайтда Навоийни бир кўриш, овозини бир эшитиш, чопонининг барларини бир бора кўзларига суртиш учун шунчалар талпинишганки, унинг олдида ҳозирги замонавий ишқибозларнинг, айтайлик, машҳур артистларга, таниқли футболчиларга талпинишлари денгиздан бир томчи, холос.

(Давоми 3-бетда).

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

бироқ, жазодан мақсад жиноятчидан ўч олиш эмас!

Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Инсон боласи адашади, хатоларга йўл қўяди. Бироқ, шуниси аниқки, одамни одам тарбиялайди. Кимлардир билиб-билмай, кимлардир эҳтиётсизлик туфайли одамларга моддий, маънавий ёхуд жисмоний зарар етказади. Бу эса қонунбузарлик деб таърифланади. Қонунларимизда ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун жазо кўзда тутилган. Аммо жазодан мақсад жиноятчидан ўч олиш эмас, уни тўғри йўлга бошлашдир. Шунинг учун қонунларимизда эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир этганлар ва қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганларга катта енгилликлар белгиланган.

Шу йилнинг 30 ноябрида Ўзбекистон конституциясининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Бу улуғ байрам арафасидаги бағрикенглик бўлиб, ҳаёт йўлларида адашган жуда кўп юртдошларимизга ўз хатоларидан тўғри хулоса чиқариш учун имкониятдир.

Назира ўзи Павел бобо деб атайдиган кекса кишининг уйида ижарада яшайди. Равшан исмли таниши билан никоҳсиз оиласи ҳам бор. Хуллас, у Игор ва унинг хотини Ирага уйини таъмирлатди. Иш ҳақи 100 минг сўмга келишилди. Усталар уйни таъмирлаб, қўшимча майда-чуйда ишларни ҳам бажаришди. Назира эса уларга 10 минг сўм бериб, қолганини кейинроқ беришни ваъда қилди. Пул сўраб келганларида эса нон пули, ароқ бериб алдайверди. Бир куни сабр косаси тўлган Игор «Мен сени прокуратурага ёзиб бераман» деб жанжал қилди. Бу гапни эшитиб, Назиранинг капалаги учди. Кечқурун Равшан иккаласи унинг танобини тортиб қўйиш учун йўлга тушишди. Игорнинг уйига келгач, Равшан унинг ёқасидан олди. Унинг кўйлаги йиртилди, чўнтагидан паспорти ерга тушди. Назира чаққонлик билан паспортни олиб қўйди. Равшан Игорни бир-икки силкилаб қўрқитгач, чиқиб кета бошлади. Шунда Игор паспортимни беринглар дея уларнинг ортидан эргашди. Равшан унга ташланиб, қўлидаги пичоқни бир-икки силтади. Шу бир-икки силтов ўз ишини қилди, Игорнинг қорнини жароҳатлади. Эрхотин эса қилар ишни қилиб, қочиб қолишди. Енгил жароҳат олган Игор шифохонада даволаниб чиқишга мажбур бўлди.

Начора, ҳаётда ҳар хил вазиятлар бўлади. Назира ва Равшан ҳам иродасизлик боис қилиб қўйган ишларидан уятга қолишди. Бир донишманд баъзан кечиришдан оғир жазо бўлмайди деган экан. Р.Юсупов ва Н.Эшонқуловаларнинг эҳтиётсизлик туфайли содир этган жиноятлари амнистия тўғрисидаги қарорга биноан кечирилди.

Алишер ЗОКИРОВ,
Самарқанд шаҳар прокурори

НАФС ГИРДОБИ

Инсоннинг феъли қизиқ. Пул топган сари шу нарсага интилиш кучаяверади. «Бўлди, яшашим учун топганим етар» деган фикр хаёлига келмайди.

Нафсини жиловлай олмаслик охири инсонни эл олдида шарманда қилади. Андижонлик Барно Маттиева ҳам фарзандлари билан ёмон яшамасди. У «Барнобегим савдоси» МЧЖ раҳбари бўлгач, феъли айниди. Хуфиёна йўллар билан пул топадиган одамлар билан танишди-ю, ороми йўқолди.

Улар «Ўзтранс» АКга қарашли капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Михаил Мамедов, «Косонсой таъминотчи» ОАЖ раҳбари О.Мамадалиев ва омбор мудири А.Қаландаровлар эди.

Улар Барнони «Рози бўлсангиз, ажойиб режалар тузиб қўйдик. Қозон ҳам ёғ, чўмич ҳам ёғ бўлади» деб ҳамкорликка чорлашди.

Бу жиноий гуруҳ сохта ҳужжатлар асосида миллион-миллион сўмлик маҳсулотларни сотиб пул қилишди. Биргина 2003 йил 13 август куни «Барнобегим савдоси» директори Б.Маттиева (сотувчи) «Ўзтрансгаз» АКга қарашли капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи М.Мамедов (харидор) билан 59 млн. 100 минг сўмлик қувурларнинг олди-сотдиси тўғрисида сохта шартнома имзолашди. Шунга асосан Барно қувурларни «Ўзтрансгаз»га етказиб бермай, қалбаки ҳужжатларни тайёрлаб қўйди. Бу операция туфайли 15 млн. сўмни «Ўзтрансгаз» ҳисоб-рақамидан олиб ўзлаштириб юборди. Бу маблағдан албатта унинг ҳамтовоқлари манфаатдор бўлишди.

Улар бундай ноқонуний операцияларни бир неча марта амалга ошириб, давлат корхоналарига миллионлаб сўм зарар етказишди.

Қиғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади деб бекорга айтилмаган. Қонунбузарлар қилмишига яраша жазосини олди. Бироқ Сенатнинг 2005 йил 2 декабрда қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарорига асосан жиноят ишининг Б.Маттиевага тегишли қисми тугатилди. Энди у қадамини ўйлаб босиши керак. Акс ҳолда...

А.ДЖУМАНБОЕВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори

Мурожаатлар қаноатлантирилди

Республика Бош прокуратурасининг фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлимига ўнлаб юртдошларимиз турли муаммолар юзасидан мурожаат қилишади. Кимдир маошини вақтида олмаётганидан нолиса, бошқа биров ер участкаси ололмаётгани тўғрисидаги ариза билан келади.

Прокуратура органларига келиб тушган ҳар бир мурожаатнинг қонуний ҳал қилинишига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Челак шаҳар газ таъминоти корхонаси ходимлари Шерназаров ва бошқалар иш ҳақини ололмаётганлиги юзасидан Самарқанд вилоят прокуратурасига мурожаат қилишганди. Прокуратура ушбу ариза юзасидан текшириш ўтказганда ишчиларнинг ҳуқуқлари поймол этилгани аниқланди ва «Челакгаз» корхонаси раҳбари Б.Сирлибоевга нисбатан маъмурий иш қўзғатилди. 783 минг сўмлик иш ҳақи тўланиши таъминланди. Яна 16 нафар ишчининг манфаатини кўзлаб 8 млн. 893 минг сўмлик иш ҳақини ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судига 16 та даъво аризаси киритилди.

Бундай қонунбузилишлар Ургут туманидаги собиқ «Самарқанд» ширкат хўжалиги аъзоларининг хўжаликни тугатиш давомида ер ресурслари мутахассислари жиддий қонунбузилишларга йўл қўйганлиги ҳақидаги мурожаати бўйича ўтказилган текширишда ҳам аниқланди. Туман ер ресурслари ва кадастр хизмати мутахассиси Юсуф Муртазоев Ўзбекистон президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги «2006 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан фермер хўжаликларига айлантирилаётган «Самарқанд» ширкати ерларини хатлаш ва лойиҳалаш бўйича масъул этиб тайинлаганидан ғараз мақсадда фойдаланган. Хўжаликнинг бош лойиҳасига кўра 58-лойиҳага киритилиши лозим бўлган 409-, 410-, 411-контурдаги ерларни лойиҳага киритмай, ҳужжатларни сохталаштириб, Х.Бобомуродовага 0,07 га., Б.Усмоновга 0,10 га., С.Турсуновга 0,08 га., М.Ҳасановга 0,08 га. ва бошқа фуқароларга 2,03 гектар ерни ҳеч қандай ҳужжатсиз уй-жой қуриш учун бериб юборган.

Бундан ташқари Ю.Муртазоев фуқаро А.Тугаловга аукционда сотилган 63-лойиҳадаги 1,3 гектар боғ майдонига 0,865 гектар, Р.Давроновага 65-лойиҳадаги 1 гектар боғ майдонига 0,7 гектар, жами 1,8 гектар ерни ноқонуний равишда қўшиб берган.

Ю.Муртозаев ва бошқа шахсларга нисбатан вилоят прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тегишли жазо тайинланди.

Шунингдек, фуқароларнинг ариза ва шикоятлари юзасидан ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан бошқа прокурор назорати ҳужжатлари ҳам қўлланган. Жумладан, фуқаро Ж.Хониқулова Сангзор дарёси ўзанини ўзгартириб оқаётганлиги натижасида уйининг олдида жарлик пайдо бўлиб, яшаш учун хавф туғдираётганлиги тўғрисида Жиззах вилояти прокуратурасига мурожаат қилган эди. Прокуратура аралашуви билан Қуйисирдарё ҳавзаси ирригация тизимлари бошқармаси ва бошқа бирқанча идоралар томонидан 2006 йил 28 ноябрдан 10 декабрга қадар 350 метр узунликдаги канал қазилди. Сувнинг йўналиши ўзгартирилиб, Ж.Хониқулованинг муаммоси ҳал қилинди.

Кейинги пайтларда кўплаб фермерлар бузилган ҳуқуқларини тиклашда ёрдам сўраб прокуратура органларига мурожаат қилмоқда. Масалан, Зомин туманидаги «Меҳнат» фермер хўжалиги раҳбари А.Тоғаевнинг 2006 йилда давлатга сотилган 6,5 тонна ғалласи учун «Ғаллабанк»нинг Жиззах минтақавий филиалидан пулини ололмаётганлиги ҳақидаги аризаси вилоят прокуратураси томонидан кўриб чиқилди. Прокуратура аралашуви билан фермерга тўланмай қолган 987 минг сўм банкдан олиб берилди.

Ж.ШАКАРОВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори

Суратда: бўлим катта прокурори Ш.Қаҳҳоров ва бўлим бошлиғи ўринбосари Б.Зоировлар иш устида.

Уйга қайтинг, болалар!

Яқинда Юнусобод туманида вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш маркази ишга тушганлиги ҳақида хабар берганди. Барча қулайликларга эга ушбу марказда турли сабабларга кўра уйини ташлаб келган болалар вақтинча бир ой сақланадилар. Уларга педагоглар, ички ишлар ва тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатади. Шунингдек, маданий-маърифий муассасалар, мутасадди идоралар вакиллари ҳам бу ерда тез-тез бўлиб турадилар. Яқинда Тошкент шаҳар прокуратураси, шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан марказда анжуман ўтказилди.

Йиғилишни марказ раҳбари Нуриддин Ўролов очди. Шундан кейин Тошкент шаҳар ҳокимининг маданий-маърифий масалалар бўйича ёрдамчиси Акмал Акромов, шаҳар прокурорининг вояга етмаганлар бўйича катта ёрдамчиси Эшмат Усмоновлар сўз олиб, болалар тарбияси, улар ўртасидаги жиноятчиликка оид мулоҳазаларини билдирдилар. Қизғин баҳсларга бой бўлган йиғилишда маҳалла фаоллари ҳам иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз

Имтиёзли «путёвка» нархи

Жондор шаҳарчасида яшовчи Саид ота ва Раъно аялар нафақа ёшига етиб, қўша қариш бахтига эришганлардан. Фарзандларидан тинчиб, энди ўзлари учун яшай бошлаган қарияларнинг муносабатига ҳавас қиласан киши.

— Кампир, сени бир тоғ-у тошга олиб чиқсам нима дейсан? — қўлидаги пиёлани дастурхонга қўяркан, дабдурустдан сўз қотди отахон.

— Жуда яхши ўйлабсиз. Бизда айни сизбоп санаторийга йўлланма бор, — деди ижтимоий таъминот бўлими бошлиғининг ўринбосари Ашраф Ҳакимов отахоннинг мақсадидан воқиф бўлгач. — Фарғонанинг Олтиариқ туманида бир яхши жойлар бор-у, лекин сизга ўхшаб қиҳатгоҳда дам олиш иштиёқида юрганлар оз эмас-да...

— Ўғлим, озиб-ёзиб бир келганимда қуруқ қайтарма, — Саид отанинг шашти сўниб, илтимосга ўтди. — Уруш ва меҳнат ветеранлари учун имтиёз бор деб эшитаман. Шунақасидан тўғрилаб берақол.

Отахон бир-иккі кундан кейин келадиган бўлди. У имтиёзли йўлланмадан умид қилганди. Аммо иккинчи мурожаати ҳам натижасиз қолди. «Кутасиз» дейишди унга.

— Ҳар сафар овора қилавермасдан муддаога қўчсаларинг-чи, ўғлим, — у яна бошлиқ муовининг ҳузурига кирди. — Тайинли бир жавоб қилмаяпсизлар. Қачонгача кутишим керак ўзи? Ахир, баҳор ўтиб ёз келаяпти.

— Сизга айтсам, бироз содда кўринасиз, отахон, — Ашраф Ҳакимов овозини бир парда тушириб давом этди, — имтиёзли «путёвка»нинг ҳам ўзига яраша шартлари бор, харажати бор демоқчиман, ота.

Шундагина қарияннинг бошидан ҳуши учгандай қаршисидаги муовинга тикилиб қолди.

— Хўш, гапиравер, қанча сўрайсан?

— Мана бу бошқа гап, отахон, — деди Ашраф Ҳакимов чеҳраси ёришиб. — Аслида биринчи куниёқ йўлланма масаласини узил-кесил ҳал қилишингиз мумкин эди. Майли, сиз учун ёрдамқиламиз, рози бўлсангиз 55 минг сўм, ундан ками йўқ.

— Ие, қарийб икки ойлик пенсиям экан. Бироз туш, ўғлим. Менда ҳозир бунча пул йўқ.

Муовиннинг «шарти»га кўнмаса, кампири олдида хижолат бўлиб қилган ҳалол меҳнати, кампири билан чеккан машаққатлари битта имтиёзли чиптага арзимаса?

2006 йилнинг 31 марти Ашраф Ҳакимов учун бир умрга унутилмас кун бўлиб қолса ажабмас. Пенсионер Саид Жумаев унинг идорасига келиб, хизмат хонасида қўшқўллаб келишилган пулнинг қолганини «саховатпеша ҳомийси»га тутқазди. Сўнг... вазифасини суиистеъмол қилгани учун ижтимоий таъминот бўлими бошлиғининг ўринбосари қўлга кишан урилди. У жиноят устида қўлга олинди.

Буни қарангки, Ашраф Ҳакимов ваъдасида турган, Саид Жумаев ва Раъно Жумаевалар учун Фарғона вилоятидаги «Олтиариқ» сиҳатгоҳига йўлланмани «тўғрилаб» қўйган экан. Бироқ навбатдан ташқари «тўғриланган» бу ҳужжат аслида Қоровул қишлоғида яшовчи иккинчи жаҳон уруши ногирони Ҳамид Бебутов номига расмийлаштирилган эди. Шу тариқа Ашраф Ҳакимов таъмагирлиги боис икки томонга ҳам азият етказди. Ҳолбуки, масалани холисона ҳал этиши мумкин эди. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Порахўр муовин қилмишига яраша жазосини олиши аниқ. Ўйлаймизки, Саид ота, Раъно ая, қолаверса, Ҳамид оталарнинг сўлим гўшаларда ҳордиқ чиқаришдек хайрли ниятлари армонга айланиб қолмайди.

Комилжон ҲАСАНОВ,
Жондор туман прокурори.
Учқун ТОЖИЕВ,
журналист

Адолатли давлат, бахтли жамият орзуси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шундай буюк бир зот қилич кўтариб боққа, Ёдгор Муҳаммад қарорғоҳига йўл олганда қўшин қараб турадими?! Битта эмас, ўнта, юзта Ёдгор Муҳаммад қўшини бўлганда ҳам чилпарчин қилинган бўлур эди. Олимларнинг ёзишича, Навоий ўз жамғармаси ҳисобидан Ҳиротда ва бутун Хуросон мамлакатида кўплаб бинолар, мадраса, шифохона, карвонсаройлар қурдирган, адолатли давлат қуриш йўлида ҳеч нарсани аямаган.

Навоий давлат ишлари, элга, илм ва санъат аҳлига ғамхўрлик қилиш билан қанчалар банд бўлмасин, ижод билан доимий шуғулланган, зеро, адолатли давлатда яшайдиган кишиларни ҳам тарбиялаб бориш тақозо этилади. Аммо афсуски, барчани бир хилда ҳар томонлама етук инсонга айлантиришнинг иложи йўқ эди. Ўша пайтлардаги аҳволини Навоий ўзининг «Сабъаи сайёр» достони сўнгида (Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977) шундай тасвирлайди:

«Ушбу достонни ёзаётган пайтимда машғулотим ниҳоятда кўп бўлгани устига тинчим йўқ, аҳволим ҳам ёмон эди.

Бутун вақтим одамларнинг можароси ва тўғри-эгрилигини ажратиш қийин бўлган жанжалли масалалар билан ўтар эди. Ейиш, ичиш, ухлаш нималигини билмай, кечаларни ғам, кундузларни ташвиш ва изтироб билан ўтказар эдим. Одамларнинг ғалва-жанжали мени ҳайрон қилар, дилимнинг озуқаси ҳам, жонимнинг қуввати ҳам ғам эди. Мен бечора шу аҳволда ҳаёт кечирганим ҳолда яна оз фурсатда бу достонни ҳам ёздим. Ишонаманки, бу асарим унчалик яхшимасдир, лекин ёмон ҳам эмас. Яхши одам асар ёмон бўлса ҳам ёмон демайди-ку».

Афсуски, даҳо шоиримизнинг бутун орзулари армонга айланиб қолди. Зеро, бутун атрофда бир-бирини ейман деган феодал давлатлар ғуж бўлган, тахтни эгаллаш мақсадида ака укаларнинг, ота боланинг қонига ташна бўлиб турган заминда адолатли давлат, бахтли жамият қуриш саробдек етиб бўлмас нарса эди. У асарларида, айниқса «Садди Искандарий» достонида шундай давлат тасвирини яратди. Бундан ташқари халқнинг ўзи ҳам шундай давлат фуқароси бўлиш даражасига етмаган эди. Шоир бу ҳолатни «Ҳайрат ул-аброр» асарида (Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1982 йил, 344-бет) шундай тасвирлайди: «Халқнинг етказган азобидан менга бир дам тинчлик йўқ, одамларнинг жабридан бир нафас оромим йўқ. Бу хастанинг уйига арз билан келган одамнинг кетиши бутунлай ёдидан кўтарилади. Бир гуруҳи кетиб улгурмасдан албатта бошқа икки гуруҳ кириб келади. Улар бузилган кўнглимга ўт ёқиб, эрталабдан кечгача жонимни оладилар. Менга улар шундай ишлар буюришадики, бажариш осон эмас, уни бажаришнинг сира имкони йўқ. Узр сўрасам, ҳаммаларига қаттиқ ботади, яхши гапирсам, аччиқлари келади. Кўп берган бўлсанг ҳам оз дейди. Бировнинг қўлида Рустамча кучи, Ҳотами Тойича ҳиммати, қўлида Қоруннинг бойлигича бойлиги бўлса-да, уларни рози қилиш осон эмас».

Навоий давлат ишларидан четлашиб, ўзини бутунлай ижодга бағишлаган бўлса-да, дўсти уни тинч қўймайди. Ўзи бирон тарафга сафарга борса давлат бошқарувини Навоийга топшириб кетади. Сўнгги гал Ҳусайн Бойқаро исён кўтарган ўғли Муҳаммад Ҳусайн Мирзога қарши қўшин тортиб кетганда ҳам давлатни бошқариш Навоий зиммасига юклатилганди. Шоир кун бўйи девондаги ишлар билан банд бўлар, кечаси ижодхонасидан чиқмасди. Аммо кейинги пайтларда негадир хотири паришон, тани носоғ эди.

Бирмунча вақтдан кейин, яъни 1500 йилнинг 31 декабрида Навоийда мияга қон қуйилиш касали юз беради ва 1501 йилнинг 3 январида буюк шоир, олим ва мутафаккир Алишер Навоий оламдан ўтади. Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг маъракасига ўзи бош бўлиб, уч кунгача унинг уйида аза тутиб ўтирган. Орадан уч йил ўтиб, Шайбонийхонга қарши урушга тайёргарлик кўраётган Ҳусайн Бойқаро ҳам дунёдан кўз юмади. Шундай қилиб, мадрасада ўқиб юрган чоғлариданоқ мамлакатни гуллаб-яшнатиш, раъиятни бахтиёр қилиш, адолатли давлат, бахтли жамият қуришни ният қилиб жанг-у жадаллар билан давлат тепасига келган, аммо ширин орзулари армонга айланиб қолган икки қадрдон дўст Ҳирот тупроғида дафн этилдилар.

З.ХИДИРОВ,
ТДЮИ ўқитувчиси
Йўлдош ПАРДА,
«Huquq» муҳбири

Сувга тушган тош

ЁХУД ПОП ТУМАНИДА ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИГА НИСБАТАН «АНТИҚА» МУНОСАБАТ ХУСУСИДА

Мана, яқинда ҳаётимизнинг яна бир йили – 2006 йил ҳам тарих саҳифаларига муҳрланди. Одатда йил якунланганда ортимизга назар ташлаб, уни сарҳисоб қиламиз. «Якунланган йилда нималарга эришдиг-у, қайси ишларни бажаришга улгурмай қолдиқ?» деган саволга жавоб излаймиз. Кўпинча йил давомида эришган ютуқларимиз ва унутилмас кунларимизни энтикиб эслаймиз. Аммо мана уч йилга яқинлашяптики, Поп туманида яшовчи фуқаролар Шуҳрат Эргашев, Ҳосият Маҳкамова, Раҳима Шарипова, Шакархон Жўраева, Азамат Пирматов ва Ҳадича Кўчкороваларнинг ичларига чироқ ёқса ёришмайди. Хўш, нима учун? Уларнинг дилини ҳуфтон қилган муаммо нима ўзи?

Агар гапни салкам уч йил илгаридан бошлайдиган бўлсак, 2004 йилнинг май ойида уларга ўзлари истиқомат қилаётган собиқ «Сирдарё» ширкат хўжалигининг қўшни Халқобод қўрғонига туташ ерларидан уй-жой қуриш учун 0,06 гектардан ер ажратиб берилади. Бироқ фуқаролар кўришсаки, ажратилган 0,24 гектар ер ОТП ГЭС ЗА 110 квт.ли электр тармоғининг нақ остига жойлашганди. Ўз-ўзидан маълумки, бундай ер электр тармоғининг муҳофаза чегараси ҳисобланиб, унга уй-жой қуришни қонунқоидалар ман этади. Шу боис улар бошқа жойдан ер ажратиб беришларини сўраб, «Сирдарё» ширкати раҳбарлари ва ер тузувчисига бир неча марта мурожаат қилишади. Лекин хўжалик мансабдорлари бу мурожаатларга қулоқ тутишмайди. Энг қизиғи, 2002 йилнинг 17 октябрида туман ҳокимининг 740-қарори қабул қилинган, унга кўра хўжаликнинг Гулбаҳор қўрғони ва Эралиобод, Санг қишлоқлари яқинидаги 17 гектар ери 250 нафар кишига якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратиб берилган бўлиб, мазкур қарорга туман ҳокимининг 2004 йил 8 июлдаги 272-қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади. Иккинчи қарорда яна 142 нафар фуқарога уй-жой қуриш учун 16,8 гектар ер участкаси ажратиб берилиши таъкидланади. Қарорларга илова қилинган 392 кишилик рўйхатда эса номлари тилга олинган фуқароларнинг 4 таси (Шуҳрат Эргашев, Раҳима Шарипова, Ҳосият Маҳкамова, Азамат Пирматов)нинг исм-фамилиялари ҳам қайд этилганди. Аммо негадир уларга ҳокимнинг қарорида белгиланган жойдан эмас, балки уй-жой қуриш мумкин бўлмаган ер «тортиқ» қилинади.

Шу ўринда бир нарсага эътибор қаратиш лозим. Туман ҳокимининг иккала қарорида белгиланган жами 33,8 гектар ернинг 25,6 гектари уй-жой қуриш учун, қолган 8,2 гектар ер ариқ ва йўл ўрни, юқори босимли газ, электр тармоқлари муҳофазаси ҳамда санитария-экология талаблари учун ажратилган. Агар ҳар бир кишига 0,06 гектардан ер участкаси берилишини инобатга олсак, айнан уй-жой қуриш учун ажратилган 25,6 гектар майдонга нақ 426 кишини сиғдириш мумкин. Қарорга илова қилинган рўйхатда эса 392 нафар фуқаронинг номи қайд этилган. Яъни, яна 34 кишини уй-жой билан таъминлаш мумкин эди. Ана шу 34 нафарга рўйхатда исм-фамилияси бўла туриб, ер ололмаган юқоридаги фуқароларни ҳам қўшиб ҳисобланса, салкам 40 кишининг 2,4 гектардан иборат ҳақи ортиб қолган. Хўш, шунча майдонни яна кимлар эгаллаган?

Мана шу тариқа орадан икки йил ўтди. Бу орада Халқобод қўрғонида яшовчи Усмонали Жумаев 6 нафар фуқаронинг барчасига алдганларини маълум қилди.

— Бу ерларга уй-жой қуриш мумкин эмас. Шунинг учун уни менга деҳқончилик қилиш учун ажратиб беришган, — деди у.

Шундан кейин қаҳрамонларимиз 2006 йилнинг 26 апрелида юқоридаги қонунбузилишни бартараф этиб, ўзлари яшаётган Санг қишлоғи ҳудудидан ер участкаси ажратилишида ёрдам беришларини сўраб, туман прокуратурасига мурожаат қилишди. Ўз навбатида шикоят туман ҳокимлигида 5 май куни қайд этилиб, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига юборилди. Аммо бу хусусда аризачиларга ҳеч қандай жавоб берилмади. Шу орада, яъни 1 май куни уларнинг ҳар бири «Наманган электр тармоқлари» ОАЖ томонидан юқоридаги ерга уй-жой қурмаслик, акс ҳолда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 102-моддаси 2-қисми бўйича маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳақида расман огоҳлантирилди. Бу огоҳлантиришдан сўнг аризачилар шикоятнинг туман ҳокимлигига, ундан ер ресурслари хизматига жўнатилганини ўзлари суриштириб билишди. Ваҳоланки, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасига мувофиқ фуқароларнинг ариза, шикоят ва таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўрилиб, ҳал қилиниши ва муаллифларга ёзма жавоб берилиши шарт эди. Лекин ер ресурслари хизматидан ҳам бирор жавоб бўлмагач, улар бўлим бошлиғи Валижон Эргашевга учрашишди. В.Эргашев эса «мен аввал ширкат хўжалиги ер тузувчиси Муроджонни чақириб, масалани ўрганиб кўрайин» дея уларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб жўнатди. Бироқ шикоят йўлланганидан кейин уч ойга яқин вақт ўтса ҳамки муаммо ечимини топмади.

2006 йил июл ойининг охирларида шикоятчилар бу масалада ёрдам беришларини сўраб иккинчи марта туман прокуратурасига мурожаат қилишди.

Албатта, бу мурожаатдан сўнг туман прокуратураси томонидан текшириш ўтказилди. Унда тилга олинган ер майдони Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 243-қарори билан тасдиқланган «Электр тармоқлари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари» талабига зид равишда уй-жой қуриш учун ажратиб берилгани аниқланди. Негаки, мазкур қоидада 110 квт.ли электр тармоқларининг муҳофаза чегараси 20 метр қилиб белгиланганди. Яна аниқланган энг асосий ҳолат шу эдики, чиндан ҳам низоли ер майдони туман электр тармоқлари корхонасининг 1999 йил 29 октябрдаги розилик хати, Халқобод ҚФЙнинг 2002 йил 29 ноябридаги 2/22-қарори ва туман ҳокимининг 2003 йил 25 июндаги 44-ф-фармойишига асосан фуқаро Усмонали Жумаевга солиқ бадалларини тўлаш шарти билан фақатгина полиз экинлари экиш учун ажратиб берилганди. Назаримизда, ширкат мутасаддилари туман ҳокимининг юқоридаги фармойиши қабул қилинганидан «бехабар қолишган» шекилли. Агар аксинча бўлса, бу ҳолат ҳар қандай кишига «Уйимдаги бегона» бадиий филми (филмда фуқаро Саат Марзук ўз уйини бир эмас, уч нафар кишига сотиб, хорижга жўнаб қолади)ни эслатади.

Туман прокуратураси аризачиларга йўллаган жавоб хатида собиқ «Сирдарё» ширкати 2005 йилнинг ноябр ойида тугатилганлиги муносабати билан ва Ер кодексининг 23-моддасига биноан ер участкаларига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ажратиб бериш масаласи Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан ҳал қилиниши сабабли бу борада туман ҳокимлигига мурожаат қилишлари ҳақида тушунтириш берди. У ёғини сўраса, ариза муаллифлари ҳокимлик томонидан ушбу муаммо бартараф қилинмагани боис иккинчи марта прокуратурага мурожаат қилишганди.

Бундан тўрт ой аввал, аниқроғи 2 октябр куни улар учинчи марта ариза битиб, туман ҳокимлигининг эшигини қоқишди. Шубҳасиз, бу ариза ҳам 8 октябр куни ҳокимлик девонхонасида 1-30/694-рақам билан рўйхатга олиниб, яна аввалгидек туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи В.Эргашевга юборилди. Бироқ аризани ҳал қилиш муддати ўтиб кетса-да, муаллифлар бу ҳақда яна ҳеч қандай жавоб олишолмади. Улар тоқатлари тоқ бўлиб, туман ҳокимлигига боришгандагина ҳокимликнинг девонхона мудири Шуҳрат Мамадалиев ариза туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига юборилганини маълум қилди.

Афсуски, сўнгги мурожаатдан кейин ҳам мана салкам тўрт ой вақт ўтдики, айни масала ҳамон муаммолигича қолмоқда. Мурожаатлар эса худди сувга тушган тош каби изсиз йўқолаяпти. Лекин вақт ўчқур чиқмаса ёки асоссиз равишда муддатини узайтириб юборса, қонунга зид қарорлар қабул қилса ҳамда шу орқали фуқаронинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зарар етказса, бунинг учун ЖМТКнинг 43-моддаси ва Жиноят кодексининг 144-моддаси асосида маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади. Ўйлаймизки, туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қонуннинг ушбу талабини эътибордан четда қолдиришмайди.



Сўнгсўз ўрнида юртбошимизнинг халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг бундан тўрт ой аввал бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида таъкидлаган қуйидаги сўзларини эсга олишни лозим топдик: **«...турли раҳбарлик вазифасида ўтирганлар одамларнинг ҳаётий интилишларига, дард-у ташвишларига совуққонлик билан қараб, кўл-оёғимизни ипсиз боғлаб турган эски қолиплардан чиқиб кетиш учун етарли ҳаракат қилмаяпти».** Мақоламизни ўқиган ҳар қандай муштарий давлатимиз раҳбарининг юқоридаги фикрлари Поп тумани мутасаддиларига ҳам тааллуқлилигини англаса керак. Шундай эмасми, азиз муштарий?

Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист

Бой берилган фойда

Ҳисобли дўст айрилмас деган нақл бежиз айтилмаган. Чунки ҳар бир ишни амалга оширишга келишдингми, берилган ваъданинг устидан чиқишинг шарт. Акс ҳолда ёмғирдан қочиб, дўлга тутилганнинг аҳволига тушишинг аниқ.

Бунга фуқаро Баҳодир Файзиев ва «Алимардон» ширкат хўжалиги ўртасидаги келишувни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Дастлаб яхши ниятлар ила икки томон ҳам амалга оширилажак ишдан мўмай фойда олишни кўзлаган эди. Ўзаро келишувга кўра, «Алимардон» ширкат хўжалиги Б.Файзиевга юзта урғочи қўзини нақд пулга сотиши лозим эди. Б.Файзиев 2003 йили ширкат кассасига 1 млн. 780 минг сўм пул топшириб, пул қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги ҳужжатни олади. Лекин шундан кейин икки ярим йилдан ортиқ вақт ўтса-да, қўзилардан дарак бўлавермайди.

Бу орада ваъда қилинган қўзилар икки ярим баравар кўпайиб, ширкатга катта даромад келтиради. Б.Файзиевнинг сабр-косаси тўлиб, судга мурожаат этишга мажбур бўлади.

Суд Баҳодирнинг ҳолатини ўрганиб чиққач, унинг фойдасига 247 та қўйни ёки уларнинг қийматини – 14 млн. 820 минг сўм ҳамда 1 млн. 811 минг сўмлик 9055 кг жунни ундириш тўғрисида қарор чиқаради.

Иш Жиззах вилоят судида апелляция тартибида кўрилганида ҳам биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилади.

Адолат қарор топиб, пули тўланган қўйлар нихоят эгасига бериладиган бўлгани ҳар қандай одамни қувонтирса-да, орадан ўтган вақт ичида кечирилган қийинчилиг-у асаббузарликларнинг ўрнини қоплаб бўлардими ахир?

Бироқ... Аслида эса суд даъвогарнинг талабларини қаноатлантирган бўлса-да, ишнинг ҳақиқий ҳолатларига эътибор қаратмай, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини холисона аниқламасдан ФПКнинг 15, 57-моддалари талабларининг бузилишига йўл қўйган. Чунки иш ҳужжатларидан кўринишича, даъвогарнинг отаси Исмоил ота «Қақажон» фермер хўжалиги ташкил этиб, мол сотиб олиш учун банкдан пул олиб, туман ҳокимига ёзма равишда мурожаат этиб, юзта қўзини сотиб олишга ёрдам беришни сўраган. Ҳокимият рухсати билан Исмоил отага «Алимардон» ширкат хўжалигидан 2,2 млн. сўмлик қўйлар берилган.

Бундан ташқари, Исмоил ота туман прокурори номига берган тушунтиришида «Алимардон» ширкатидан 100 та қўй олганини, уларнинг қиймати даъвогар — Баҳодир ўз даъво талабларини исботлаш учун тақдим қилган тўлов квитанцияларини кўрсатиб, қолган пулларни йилнинг охирига қадар тўлаб беришга ваъда қилган.

Суд ишни кўриб чиқиш жараёнида «Қақажон» фермер хўжалиги ким томонидан ташкил қилинганлиги, қўйлар ушбу хўжаликка кирим қилинганлигини, Баҳодир ва «Алимардон» ширкат хўжалиги ўртасида қўй сотиб олиш ҳақида шартнома тузилган ёки тузилмаганини, ширкат хўжалиги умумий мажлисининг бунга розилик берганини текшириб кўрмаган ҳам.

Баҳодир ва унинг отаси Исмоил ота қўйларни сотиб олиш учун тўланган квитанцияларда пул миқдори бир хил ёзилганлигига суд эътибор бермаган. Шу билан бирга, Исмоил ота вафот этгунига қадар, яъни икки йил мобайнида Баҳодир томонидан мулкни ундириш ҳақида судга мурожаат қилинмаганлигига ҳам тегишли ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Суд жараёнида гувоҳ сифатида сўралган «Алимардон» ширкати кассири Г.Фазлиддинов қўй сотиб олиш учун Баҳодирдан ҳеч қандай нақд пул олинмаганлиги ва кассага кирим қилинмаганлиги, касса ордерига Баҳодирга ишониб хўжалик бош ҳисобчиси Л.Турдиалиевнинг кўргазмаси асосида имзо қўйиб берганлигини кўрсатган.

Гувоҳ Э.Жабборов эса тилга олинган квитанцияларга асосан хўжалик кассасига қўй учун пулни даъвогар эмас, балки унинг отаси Исмоил ота тўлаганини билдирган.

Бундай ҳолда суд «Алимардон» ширкат хўжалигининг бухгалтерия-ҳисобот ҳужжатларини талаб қилиб олиб, текшириб кўриши, зарур ҳолларда пул ким томонидан тўланганлиги ва тўлов ҳужжатларининг қонунийлигини аниқлаш учун судга оид бухгалтерия экспертизасини тайинлаши лозим эди.

Суд жараёнида даъвогар томонидан бой берилган фойдани ундириш масаласи кўриладаётганда ФКнинг 230-моддаси нотўғри қўлланиб, бой берилган фойдани аниқлаш ваколатига эга бўлмаган «Қоракўл» ширкат хўжаликлари бирлашмасининг хатига асосланган.

Бу ҳолатларнинг барчаси апелляция суди инстанцияси томонидан камчиликлар бартараф этилмай, барвақт хулосага келинганини кўрсатади. Шу боис мазкур суд қарорини бекор қилиш тўғрисидаги Бош прокуратура томонидан киритилган протестни Олий суднинг фуқаролик ишлари қайҳ ати қаноатлантирди.

Р.МУҲАМЕДДИНОВА,
Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори

ДАЪВОГА АСОС БОРМИДИ?

Хатирчи туманидаги «Тожи бобо» фермер хўжалиги дастлаб ўзининг 10 гектар ерини туман ҳокимлиги тасарруфига ўтказиш ҳақидаги ариза билан мурожаат этиб, орадан бир қанча вақт ўтгач, ҳокимнинг шу тўғридаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳусусида судга даъво аризаси берди. Хўш, бунинг сабаби нимада?

«Тожи бобо» фермер хўжалиги суддан туман ҳокимининг 2004 йил 15 ноябрдаги «Тожи бобо» фермер хўжалигидан 10 гектар ерни туман ҳокимлиги тасарруфига қайтариш ва «Жаббор бобо» фермер хўжалигига ер ажратиш ҳақида 18 ноябрда чиқарилган қарорини ҳақиқий эмас деб топиб, 10 млн. сўм моддий ва 5 млн. сўм маънавий зарарни ундириб беришни сўраган. Аммо суд ушбу даъво талабларини қаноатлантиришни рад этади.

Бундай ҳолатга дуч келган одам фермер хўжалиги нима учун дастлаб ўзи ариза бериб, сўнг ушбу ариза асосида қабул қилинган қарорни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган деган савол бериши табиий. Бу саволга Бош прокуратура томонидан жавоб излаб кўрилганда, ҳақиқатан ҳам даъвогарнинг талабини рад этган суд қарорини бекор қилишга асос борлиги аниқланди. Чунки, иш ҳужжатларидан кўринишича, Хатирчи туман ҳокимининг юқорида тилга олинган қарори асосида «Тожи бобо» фермер хўжалигининг 10 гектар ери хўжалик раҳбари Р.Шералиевнинг аризасига асосан туман ҳокимлиги тасарруфига ўтказилган.

Кейин 2004 йил 18 ноябр куни ҳокимнинг қарори билан мазкур ер «Жаббор бобо» фермер хўжалигига 30 йилга ижарага берилган.

Мамлакатимиз президенти томонидан муҳокамага киритилган «Ўзбекистон Республикаси конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биз юқорида қараб чиққан лойиҳа меъёрларини конституцияга мослаштириш нуқтаи назаридан тайёрланган бўлиб, президентнинг жамиятдаги ролини янада ошириш ва турли ҳокимият тармоқлари ўртасида арбитрлик фаолиятини кенгайтиришни кўзда тутади. Бу эса парламент роли юқори бўлган мамлакатларга мос бўлиб, халқаро ҳуқуқ меъёрларининг барча шартларига мос келади.

Биз билдирган таклифлар ушбу қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган субъектив фикрлардир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам жамиятдаги демократик ислоҳотларни ривожлантиришга қаратилган ушбу лойиҳа келажагимизга катта умидлар билан қараган ҳолда киритилганини олқишлаймиз.

Ш.БОЙМУРОДОВ,
СамДУ ҳуқуқшунослик факултети ўқитувчиси
А.ТЎЙЧИЕВ,
талаба

ЗЎРАВОН ЙИГИТЛАР

2006 йил 28 июн, соат 20^{30} лар чамаси.

Малика (исмлар ўзгартирилган) дорихонадан керакли дориларни олди-да, уйига шошилди. Онаси иситмалаб ётибди. Тезроқ бориб дориларни ичирса. Кўчада тенгқур қўшниси Козимжонни учратиб қолди. Катта йўл ёқасида гаплашиб, Тургенев кўчасидаги тўққиз қаватли уйга етиб келишганида ёнларидан эскироқ, оқиш рангли «Запорожец» машинаси ўтиб кетди. Малика билан Козимжон унга унчалик эътибор беришмади. «Запорожец» хиёл ўтиб, ортига бурилди. Ўн қадамча нарида тўхтаб, чироқларини ўчирди. Машинадан тушиб, ўзлари томон шошганича келаётган учта барваста йигитни кўрган Маликанинг кўнглига ғулғула тушди. Ўзини четга олишга улгурмади. Икки йигит кела солиб Козимжоннинг ҳиқилдоғидан олишди.

— Нима қилаяпсизлар йўлнинг ўртасида?! — деб силтай бошлашди.

— Йўлнинг ўртасига чиққанимиз йўқ, чеккадан уйимизга кетаяпмиз, — деди ҳам қўрқиб, ҳам ҳайрон бўлиб Козимжон. Бир неча лаҳза ичида у калтак ичида қолди. Машинадан яна учта йигит тушиб Маликага ёпишишди. Қизнинг дод-войига қулоқ солмасдан машина ичига тиқишди.

— Жон акалар, мени қўйиб юборинглар, ойим касал, дори олиб боришим керак!

Маликанинг кўз ёшларига қоришган илтижолари, қўлига сиқимлаб олган дориларни кўрсатиб ёлворишлари йигитларда заррача шафқат уйғотмади, аксинча, таҳқирлашни ҳаддан оширишди. Уриб-туртиб, бошини оёқлари остига эгиб олишди. Йигитлардан бири унинг билагига чекиб келаётган сигаретини босиб:

— Дамингни чиқарсанг сочингга ҳам ўт қўяман, — деди жеркиб, — жим кет!

Хўрланган қиз номусини ўйлаб ҳам бу ёвузларнинг исканжасидан қутулиб кетишга уринарди... «Табассум» қаҳвахонаси ёнидаги постдан ўтаётганларида машина ойнасига уриб бақирди, лекин милиция ходими эшитмади. Йигитлар Маликанинг оғзини ёпиб, устидан босиб олишди. Рулдаги йигит машина газини борича босди...

— Буёққа туш, — деди Мусо кўз ёшлари ҳамон тинмаган, қўрқувдан ранги оқариб қалтираётган Маликанинг қўлидан тортиб. — Бир кайф қилайлик.

— Мени қўйворинглар, жон акалар, ойим касал...

Кўзлари қонга, кўнгиллари ҳирсга тўлган йигитлар жуда оғир жиноят, қолаверса гуноҳга ботаётганларини ҳис қилмаётган эдилар. Биронтаси ҳис этган бўлса ҳам «Қўйинглар, йигитлар. Шу ифлос ишни қилмайлик» дея олмади, шерикларини ёмон йўлдан қайтармади. Аксинча, Маликани судраганча темирйўл орқасидаги кимсасиз жойга олиб кетаётган Мусога:

—Тезроқ бўл! —деб қичқиришарди.

Малика зим-зиё дарахтзор ичида Мусонинг қўлидан қочиб чиқишга уринди. Икки-уч қадам босмаёқ оёқлари тўнгакка илашиб юз тубан тушди. Мусо уни уриб, тепди.

— Ечин! — деди ҳансираб ва Маликанинг уст-бошларини тортқилаб, йирта бошлади.

— Мен қиз боламан, ҳаётимни булғаманг. Сизнинг ҳам сингглингиз бордир!..

Қиз калтак зарбидан ўзидан кетди. Мусо жирканч ниятига эришди, кейин шериклари ҳам...

Наҳсга ботган йигитлар Маликани овлоқ дарахтзор ичида аянчли аҳволда ташлаб кетишди. Анча вақтдан кейин ўзига келган Малика темирйўлдан ошиб ўтди. Йиғлаган кўйи олисроқда кўриниб турган чироқлар томон гоҳ йиқилиб, гоҳ туртиниб чопа кетди...

Дунёда ёмонлардан яхши инсонлар кўпроқ. Катта йўл ёқасида гоҳ югуриб, гоҳ одимлаб бораётган Маликани бир диёнатли ҳайдовчи уйига олиб келиб қўйди...

* * *

2006 йил 2 июл, соат 21^{00} лар чамаси.

Эр-хотин Рашид ва Дилнуралар Қиргули мавзеси Тургенев кўчаси 134-уй ортидаги йўл четидан уйларига кетишаётган эди. Кимсасиз йўлдан улар томонга оқиш «Запорожец» машинаси кела бошлади. Рўпараларида тўхтаган машинадан бир йигит тушиб:

— Ҳа, ака, қалайсиз? — деб Рашидни маҳкам қучоқлаб олди. Табиийки, Дилнура бу йигитни эрининг таниши бўлса керак деб ўйлади. Рашид эса уни таниёлмай ҳайрон бўлди. Шу пайт машинадан барваста бир йигит тушиб, Дилнуранинг иккала қўлига ёпишди. Хотинини зўрлаб машина томонга судраётган йигитни кўрган Рашид ўзини қучоқлаб турган йигитни туртиб, ўша томонга интилди. Дилнура ҳам абжиргина эди. Қўлидаги сумкаси билан йигитни уриб, тимталаб қаршилик кўрсатди. Рашид ёрдамга етиб келган пайти орқа тарафдан «Жигули» машинаси келиб қолди. Ниятларига етолмай қолган йигитлар ўзларини «Запорожец» ичига уришди. Рашид хотинини ўрнидан турғазгунича машина жилиб кетди. Дилнуранинг кўзи «Запорожец»нинг орқа тарафида қийшайиброқ турган номерига тушиб қолди.

* * *

2006 йил 4 июл, соат 21^{30} лар чамаси.

— Кетдик, — деди Гуля Алексейга, — акамга кеч қолмасликка ваъда берганмиз.

Улар танишларининкидаги зиёфатдан хушнуд чиқишди. Орзулар оғушида уйларига йўл олишди. Бу икки ёш бир-бирига кўнгил қўйишган, кузда тўйларини ўтказишга аҳдлашган эдилар.

— Тезроқ юрайлик, негадир кўнглим ғашланаяпти, — деди Гуля Алексейга.

— Такси ушлайми?

— Озгина қолди-ку, — деди Гуля илдамроқ қадам ташлаб.

Қиргули мавзеси Тургенев кўчадаги «Севан» қаҳвахонаси ёнидан ўтиб бораётган эдилар. Олдиларига чироқлари ўчирилган оқиш «Запорожец» машинаси келиб тўхтади. Машина эски бўлганлиги учун эшиги ғарқ этиб очилди...

Олдин икки йигит тушди. Улар Гуля билан Алексейнинг йўлини тўсишди.

Гавдалироғи:

—Как дела? —деб сўрашиш учун Алексейга қўл узатди. Алексей унинг қўлини олишини билади, иккинчи йигит унинг кўксига мушт туширди. Гавдалироғи эса тепди. Алексей ҳам қараб турмади, қаршилик кўрсата бошлади. Шу пайт Гулянинг қаттиқ чинқириғи эшитилди. Уни уч йигит «Запорожец»га зўрлик билан тиқишаётган эди. Алексей ёрдамга шошилди, бироқ қарши турган йигитлардан бири уни чалиб йиқитди. Ўрнидан тургунича машина шитоб билан силжиди. Алексей ғазаб ва алам билан машина ортидан югурди. Қўлига илашган тошни отди. Кўздан ғойиб бўлган машина рақамини эслаб қолган эди. Бу кутилмаган ҳодиса ҳақида Гулянинг онаси ҳамда милиция таянч пунктига хабар берди.

...Гуля даҳшатга тушиб қолган эди. Ароқ ҳиди ва сигарет тутунига тўлган машина ичида йигитлар қизни хоҳлаган кўйларига солишарди. Боши айланиб, кўзлари тиниб бораётган қиз:

—Мени қўйиб юборинглар, ўлдирманглар, — деб ёлворарди, холос. Йигитлар ҳирс ўтида ёнишарди.

— Биринчи ўзим, — деди Мусо шерикларига ҳукмрон оҳангда ва ерга чўккалаб олганича йиғлаб турган Гуляни судраб кетди. Навниҳол қиз ожиз эди. Жон ширинлик қилди... Қоронғида тимирскиланиб устбошларини топди. Кийинишга улгурмасидан тепадан иккинчи йигит тушиб келди. У:

— Давай, ечин, — деб Гулянинг сочига ёпишди. — Бўлмаса шу ерда ўлигинг қолади...

Таҳқирланган ва қайта-қайта зўрланган Гуляни яна машинага олишиб, дала ичидаги катта ариқ бўйига олиб боришди. Қизни сувга тушириб эрмак қилишди... Тонгга яқин уйларига яқин жойга ташлаб кетишди.

— Бировга айтсанг, ўлигингни ҳам топишолмайди, тилингни тийиб юр, — деди Мусо кўзлари совуқ ёниб. Кейин «Запорожец» ваҳиллаганича жилиб кетди. Ёзнинг яна бир туни тугаётган маҳал бошига тушган кўргулик азобидан қутулган бўлса-да, заҳмидан қутулолмай дағдаг қалтираб турган Гуля атрофига нажот излаб бақди...

* * *

Мусо Арабмозор тарафда оқиш «Запорожец» машинасини сотиб олди-ю, ўз номига расмийлаштирмасдан миниб юраверди. Машинага пул тўлаган отаси ҳам ғиз-ғиз машина миниб юрган ўғлидан қаерда нима қилиб юрганини суриштирмади. Мусо ўзига ўхшаш бекорчи ўртоқлари билан машинада Қиргули мавзесида изғишни хуш кўрарди. Ўй-у фикри енгилтабиат аёлларда эди.

— Бугун бир маза қилайлик, — деди Мусо оғайниларига. Бу таклиф йигитларга ёқди. Лекин биттаси:

— Пул йўқ-ку, — деб қолди. — Қуруқ томоша қилиб келаверамизми?

— Кеча бир видеофилм кўрдим, — деди гавдалироқ бола, — учта йигит тунда қизларни ўғирлаб кетиб, роса...

Болалар пиқирлаб кулишди. Гапираётган бола давом этди:

— Биз ҳам ўшалардай иш қилиб, кейин қизларни ўлдирмасдан қўйиб юборсак бўлади. Шунча бола зўрлади деб ким ҳам айтарди?

— Зўр таклиф, — маъқуллади Мусо, — шу бугун кечасиёқ синаб кўрамиз.

Ўша куни Мусо Мавлонов бошқариб борган «Запорожец» машинасида жирканч мақсадда уюшган Дониёр Маматов, Фазлиддин Ходиев, Қодир Шодиев, Асқар Абдукамолов, Ҳотам Одилов, Давлат Собитовлар Қиргули мавзеси томонга йўл олишди. Айтгандай, Мусо машина рақамини бошқа қалбаки рақам билан алмаштириб олган эди. Тунги соат 20^{30} ларда бу номус ўғрилари тузоғига Малика тушиб қолди... Кейинги воқеалардан хабардорсиз.

Жабрланувчиларнинг аризаларига кўра ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан кенг кўламда қидирув ишлари олиб борилиб, жуда қисқа вақт ичида оқиш «Запорожец»нинг изига тушилди. Дастлаб Мусо Мавлонов, кейин шериклари қўлга олинди. Фақатгина Собитов яширинишга муваффақ бўлди. Унга нисбатан қидирув эълон қилинган.

Жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман суди томонидан ўз тақдирларини катта ҳаёт остонасидаёқ булғаган, ўзларигагина эмас, оилаларига ҳам тавқи лаънат келтирган кимсалар қилмишларига яраша жазо олдилар.

Айб оғир жиноят кўчасига бемалол кириб қолган шу йигитларнинг ўзидагинами? Йўқ, албатта. Ота-оналари, маҳалла оқсоқолларида ҳам айб бор. Улар лоқайдлик қилишган. Назоратсиз қолган ёшларнинг қилғилиғини эса кўриб турибсиз. Қолаверса, номус ўғриларининг катта йўл ёқаларида, турар-жой бинолари олдида содир этган зўравонликларини кимлардир кўрган, жабрланувчиларнинг ёрдам сўраб бақирганларини эшитган, лекин иймонларини ичига ютиб ёрдамга шошилмаганлар. Бундайларнинг ўзлари шундай аянчли ҳолга тушганларида нима бўларкин?.. Нима бўлганда ҳам энди ҳушёрроқ бўлишимиз керак. Акс ҳолда разолат ва жаҳолат олдимиздан чиқиб турaверади.

Аббосхон ТУРҒУНОВ,
Тошлоқ туман прокурорининг ёрдамчиси
Холиқназар ЖЎРАБОЕВ,
журналист

Нобакор ўғил

Суднинг қора курсисида ёши қирқдан ошган Раҳимберди Рўзиев ўтирибди. У илгари ҳам уч марта судланган. Раҳимберди учун суддаги сўроқлар оддий саволдек. Буқрини гўр тузатади деганларидек, қамоқ жазоси ҳам уни тузатмади. 2001 йили озодликка чиққач, ишлаб ҳаётда ўз ўрнини топиш ўрнига ичкиликка ружу қўйди. Онаси Шарифа ая ўғлимни уйлантириб қўйсам балки бирон касбнинг бошини тутар деб ўйлаган эди. Аммо акси бўлди. Келини Шаҳноза ҳам оиласини ўйлайдиган аёл бўлиб чиқмади. Кўп ўтмай келин ҳам эрнинг улфатига айланди. Натижада қўни-қўшнилар бу оила билан борди-келдини йиғиштириб қўйишди. Энг ачинарлиси, улар ичиб келгач, турли баҳоналарни рўкач қилиб, она шўрликка азоб берадиган одат чиқаришди. Шарифа ая ўғли билан келини ичиб келган куни минг бир хавотир билан қўни-қўшниникида жон сақлайдиган бўлди.

...Ўша куни Раҳимберди хотини Шаҳноза билан навбатдаги улфатчиликдан келганда уйда онаси намоз ўқиётган эди. Ўғил ҳеч бир сабабсиз онасига ташланди. Она жон ҳолатда ўзини деразага урди. Раҳимбердининг қўлидаги пичоқ онасининг қўлини кесиб кетган эди. Қўли қонга бўялган она қўшниларни ёрдамга чақирди. Сўнг эшиги очиқ турган қўшниси Г.Имомқулованинг уйига ўзини урди. Шовқин-сурондан безовталанган қўшнилар бир зумда йиғилишди. Шарифа аяга ёрдам бериб, жароҳатланган қўлини боғлашди ва зудлик билан республика шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш илмий марказига олиб боришди.

Судда Раҳимберди қилмишларини тан олмасликка ҳаракат қилди. Негаки, у воқеа содир қилинган куни маст бўлиб, нима қилганини эслолмасди. Буни қўшнилар ҳам судда айтишди. Судда сўз олган Г.Имомқулова шундай деди:

«Онасига қўл кўтарган нобакор фарзанднинг ёруғ оламда яшашга ҳаққи йўқ. Жумладан, Раҳимбердининг ҳам. Биз уни кўп тартибга чақирдик. Лекин фойдаси бўлмади. Яхшиямки Шарифа ая ўша куни ўғлининг қўлидан қочиб қутулди. Акс ҳолда воқеа фожеа билан тугаши мумкин эди».

Жиноят ишлари бўйича Сирғали туман суди онасини ўлдиришга ҳаракат қилган ўғилга ҳақли жазо тайинлади.

Н.ҚЎЧҚОРОВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори

Исроил ИБРОҲИМОВ

Рўёбга чиққан БАҲОРАТ

Темир эшикнинг дарчасидаги тоқчага алюмин косаларни қўйишди.

— Шошманг, терговчида гапим бор!

— Керак бўлсанг, ўзи чақиради! — назоратчи дарча эшикчасини шарақлатиб ёпди. У тишларини қисди-ю, қалбининг тубидан вулқондай отилиб чиққани чоғланган фарёд томоғига тиқилди. Қайсидир «боевик»да ўзга сайёралик одамсифат махлуқ қуршовда чорасиз қолиб, митти қизил соққачани ютган заҳоти бомбадай портлаб, тарқидай сочилганини кўрганди. Кимгадир ёрилмаса худди шундай портлаб кетадигандек эди.

— А-а-а! — беихтиёр камерани бошига кўтариб бақирди. — Лўли хотиннинг башоратига ишонмаган эдинг-а! — деди ўзига ўзи. — Зиқналигинг бошингга етди. Уям аввалига хушхабар билан кўнглингни кўтараётганди. Узатган сариқ чақангга бурнини жийирди-ю, чап қўл кафтингни қўйиб юбормай «айтишгаям тилим бормайди, ўттиз ёшга кирганингда бошингга дўлдай ёғилаётган кулфатларни кўраяпман» деб бидирлашга тушди...

Шарақлаб дарча очилди.

— Хўкиздай бўкиришингдан фойда йўқ, — дийдаси қотиб кетган назоратчи ўзи билан ўзи гаплашаётган маҳбусга ўдағайлади. — Чакагингни ўчирмасанг, якка камерадан чиқмай ётаверасан!

Тўсатдан юраги қисилиб, портлаш даражасига етганининг сабабини чақ қандай бўлди. «Дардлашадиган биронта одам йўқ! Елғизлик...»,

— Тан ол, очиқчасига айт ахир, ҳамиша якка-ёлғиз эмасмидинг! Теварагингни қуршаган дунёда, атрофингдаги одамлар наздида бир соя эдинг, холос.

Муноғиқлик қилма. Бор эди битта одам! Дилингда кечган қувонч-ғамни кўзларингдан уқиб, хуш кайфиятингдан чеҳраси гул-гул очилиб яйрайдиган, дардли нигоҳларинг қалбини ўртаб, сочларига яна битта оқ тушадиган меҳрибонинг бор эди ахир! Велосипедни ўғирлатиб келган кунинг маст-аласт отанг гаврон билан савалаётганида ўртага тушиб, «темир матоҳ ўлгур топилар» деб ўзини тутиб берган онаизоринг эмасмиди! Шимингнинг чўнтагидаги очилган сигарет қутисини кўриб қолганида «дадангни шу заҳар сил қилиб ўлдирди-ю, болам» дея зор-зор қақшамаганмиди? Ишқида девона бўлиб юрганинг — Гулсанамнинг уйига совчиликка борганида ўзининг дили вайрон бўлса-да, сени авайлаб «кеч қолибмиз, болажоним» деб аламини ичига ютганди. Тенг тенги билан, етимчага кўзимиз учиб тургани йўқ деб остоналарига яқинлаштирмай, кўчадан ҳайдаб солгудай қайтариб, бечоранинг иззат-нафсини ер билан битта қилишганини кейин билдинг. Тошбағирсан. Уни қабрга қўйётганларида ҳам мижоранг намланмади.

Кейинроқ ўз хаёллари оғушида яшаётган хотининг, фақат аяси билан сирлашадиган, дардлашадиган ўғлинг ва қизингга ҳам ётдай бўлиб қолганингни ҳис қилганингдагина унинг қадри ўтиб, қабри пойида ёшларинг сел бўлиб оқди-ю... Нақадар худбинсан! Ўшанда ҳам умрини ёлғиз ўғлига бағишлаб дунёдан тоқ ўтган онаизорингга эмас, ўзингга ачиниб кўзёш тўккансан!

Эрканлиб кетади деган бадбин ўйда ҳатто ўғлинг Музаффарнинг, қизинг Муяссарнинг бошини силаштдан ҳам тийилардинг. Бефаросатсан! Сиртдан ростгўйлигини кўз-кўзлаб, зимдан ўз нархингни ошириш учунгина «мен севган, мени яхши кўрган қизни бошқа бировга эрга бериб юборишган» дея сендан жонини аямайдиган Муаттарнинг дилини пора-пора қилгандинг. Ўз тилинг билан ораларингга кўзга кўринмас тош деворни тиклаб қўйгандинг. Худбинлигинг туфайли барчанинг эътиборида бўлмоқ истагида ўлибтирилардинг. Назарингда саҳна шоншуҳрат шоҳсупаси бўлиб туюларди. Бироқ, сен айтган қўшиқларнинг жони йўқ эди. Фақат олқишлар тўфонини кўз олдига келтириб, қайғули ҳижрон оҳангларини ҳам оғзи қулоғида кулиб айтаётган қўшиқчининг иқболи йўқлигини ўшанда билмасдинг. Ўзингнинг бефаросатлигингни ўзгаларга тўнкаб, қадрингга етмаётганларидан куярдинг. Саҳнага яқинлаштирмай қўйганларидан кейин фақат тўйларга чиқиб овундинг. Баъзан эсингга тушганида наҳот лўлининг башорати рўёбга чиқаётган бўлса деб ичингдан зил кетардинг. Ҳар замон гавжум бозорда фолбин лўли хотинларга рўпара бўлганингда эса: «Тошқул иккковимизни тўхтатди. Қўлига тутқазган сўмларидан илҳомланиб, унинг келажагини осмон-у фалакка чиқариб қўйди. Сўм эмас, танга берганим учун менинг бошимга ёғилажак бало-қазоларни башорат қилди», — деб ҳамроҳингни кулдирардинг.

Шуурингнинг қат-қатида ўрнашиб олган, ўзинг аллақачон унутиб юборган лўлининг фоли ихтиёрингдан ташқари зимдан руҳиятингни ҳам бошқараётганидан бехабар эдинг...

— Опа билан гаплашинг, — буюрди прокурор эллик ёшлардаги қўллари билинар-билинмас қалтираётган, ранги бўздай оқарган аёлга қараб.

— Шундай яхши хотин... — унинг кўзларида ёш гилтиллади. — Мелисани ман чақирдим телефонда. Бизники узилиб қопти. Муаттархонникидан ўғлимга қўнғироқ қилиб, бозорўчарни эсига солай десам... Эшиклари қулфланмаган. Кўчада туриб чақирдим, жиринглатдим, чиқмади. Айвоннинг эшигини очиб қарадим-у, эсим оғиб қолди. Столнинг ёнида, гиламда ғалати ётибди. Усти қон... Куппа-қундузи...

— Жанжал-панжал бўлиб турармиди уйларида?

— Узларига тинч. Тиқ этган товуш чиқмаган. Эгамберди ака хушмуомала одам. Ёш боланиям сизлаб гапиради бечора... Ана, ўзиям кеп қолди.

У айвондаги диванга чўкди-ю, кўзларидан ёш қуйилди. «Хўжакўрсинга йиғлаяпти» — хаёлидан ўтказди Собиржон.

— Яхшилаб қараб кўринг-чи, бирон нарса йўқолгани йўқми? — деди хонадон эгаси бироз ўпкасини босиб олгач. Хоналарни кезиб чиққан Эгамбердининг айтишича, ҳамма нарса жой-жойида эди.

«Агар ўғри-босқинлаш даражасига етганининг сабабини чақ қандай бўлди. «Дардлашадиган биронта одам йўқ! Елғизлик...»,

— Тан ол, очиқчасига айт ахир, ҳамиша якка-ёлғиз эмасмидинг! Теварагингни қуршаган дунёда, атрофингдаги одамлар наздида бир соя эдинг, холос.

Эшик қулфидаги калит шиқирлаб буралди.

— Қўллар орқага, ташқарига чиқ! — буюрди соқчи телба каби ҳамон ўзи билан гаплашаётган маҳбусга.

* * *

«Набира ўғлингдан ҳам ширин туюларкан» дея хаёлидан ўтказди Собиржон икки ёшли Сарварнинг чучук тилда опоқи дейишига дили яйраб. Эрталаб кетиб, кечқурун соат тўққиз-ўнларда қайтади. Кўпинча дам олиш куни ҳам бўшамайди. Биринчи набирасининг тили чиққанини сезмай қолибди.

— Боғчага бораяпсизми, ўғлим?

— Боғча, боғча... — гўдак ҳамма нарсага ақли етса-да, ҳали сўзларни уриштириб гапиролмайди.

— ...Беайблигиз тасдиқланиб, суднинг кейинги мажлисларида гувоҳликка ўтди, — давом этди Анвар.

У юридик институтини битиргач, адвокатлик қилаётган эди. — Айбни унга тўнкаётганлар охири тан олишга мажбур бўлишди. Худди уникидай қалбаки муҳр ясаттириб олишган экан. ИИБ терговчисининг хатоси — ҳужжатлардаги муҳрларни экспертиза қилдирмаган. Юзлаштириб сўроқ қилганида ҳам зиддиятли ҳолатлардан кўз юмган...

— Битта ишни ютиб чиқдим деб ҳаволаниб кетмагин, — Собиржон ўғлининг ишидан суюнаётган бўлсада, сездирмади.

— Сизни сўрашяпти, — хотини Гулнорахон телефонни узатди.

— Қачон? Қаерда? Хўп, ҳозир бораман!

— Бугун уйда бўларсиз десам...

— Зерикасанам ҳали, пенсияга чиқай...

Икки юзидаги аср билан тенгдош азим чинорлар ўзгача кўрк бағишлаган Ҳувайдо ва Тошкент кўчалари кесишган чорраҳанинг ўнг бурчагидаги бир қаватли, ўртамиёна уйда тезкор тергов гуруҳи ишга киришган эди.

— Ўзларига тинч. Тиқ этган товуш чиқмаган. Эгамберди ака хушмуомала одам. Ёш боланиям сизлаб гапиради бечора... Ана, ўзиям кеп қолди.

У айвондаги диванга чўкди-ю, кўзларидан ёш қуйилди. «Хўжакўрсинга йиғлаяпти» — хаёлидан ўтказди Собиржон.

— Яхшилаб қараб кўринг-чи, бирон нарса йўқолгани йўқми? — деди хонадон эгаси бироз ўпкасини босиб олгач. Хоналарни кезиб чиққан Эгамбердининг айтишича, ҳамма нарса жой-жойида эди.

«Агар ўғри-босқинчилар кирмаган бўлса, Муаттарни ким, нима учун пичоқлади?». Жасад ёнида, гиламда ётган пичоқ дастасида Эгамбердининг бармоқ излари бор, бироқ бу узил-кесил далил бўла олмайди. Пичоқни хонадон соҳиби ҳар куни неча бор қўлига олади. Унинг гапларига қараганда соҳар соат бешларда Навоий маҳалласидаги тўй ошига борган. Уч нафар созанда шериклари билан хизмат қилган, ашула айтган. Якшанба куни Муаттар уйда ёлғиз қолган. Ўғли билан қизи каттоатасиникида эди. Экспертларнинг хулосасига кўра, нақ юрагига бир марта пичоқ санчилган аёлнинг жони тахминан кундузги соат бир билан иккининг ўртасида узилган.

— Эрталаб соат тўққизларда тўйдан чиқиб, Мирсоатнинг уйига бориб, қарта ўйнаб, дам олиб ётдик, — деди доирачи Абдусамад.

— Эгамберди доим биргамиди? У ўйланиб қолди.

— Эслолмайман, аллақаёққа бориб келдиям шекилли.

Мирсоат унинг гапига аниқлик киритди.

— Қўл телефонида ким биландир гаплашди. Ҳозир келаман деб чиқиб кетди.

— Соат неччи эди?

— Абед пайтийди чамамда.

— Қайтиб келганида туриши, кайфияти қандай эди?

— Одатдагидай. Аммо бошқа кўйлак, бошқа шим кийиб олганига ҳайрон бўлдим. Доғ тегиб қолди, ўшанга алмаштирволдим деди.

Собиржон Аслонов прокурорнинг санкцияси билан Эгамбердини гумонланувчи тариқасида ҳибсга олди.

— Гапларингиз ёлғон! Туш пайти уйингизга келиб кетгансиз!

— Бошқа уйимга, Маликаникига борганман. Иккинчи хотинимдай бўп қолган. Канал ортида, этажда туради. Ишонмасангиз сўраб олинг...

Аёл унинг ярим соатга кириб ўтганини тасдиқлади. Кийимини алмаштириб олибди. Ечиб кетган кўйлакшимини Маликахон ваннахонада ювиб қўйибди.

Ваннахонанинг чироғи ҳира экан. Бирон-бир доғга кўзи тушмади. Эгамберди бунгача ярим соат мобайнида ҳовлисига ҳам кириб ўтган бўлиши мумкин эди.

— Қанақа ярим соат? — у кўзларини чақчайтирди. — Тўшакда бирга ётганимизни, ваннахонада ювиниб чиққанимни ҳам айтиши керакми сизга?

Собиржон Аслонов тажрибасидан билади: айрим гувоҳлар идорининг салобати босиб, бемалол, очиқ-ойдин гапира олишмайди, ҳам кўнгилни илитмайди.

— Овозидан кундошим шекилли, — кулимсираб телефон гўшагини қўлимга тутқазди. — Бечорани соғинтирмай, тез-тез бориб турингда!

Илк бор юрагимга шубҳа оралади. Ўтган-кетгандан ҳам қизғонадиган хотин... Нимага бунақа бўлиб қолди? Ёки... Йўқ, бўлиши мумкин эмас! Ўзи суюқоёқ жувонлардан нафратланарди-ку! Яна бир куни жиринглаган телефон гўшагини кўтарсам, симнинг нариги учидаги одам индамай қўйиб қўйди. Қайта жиринглаганида Муаттар олди.

— Алло, ҳа, яхшимисиз? — овозидаги ноз-фироқ юрагимни ўртади.

«Ким билан гаплашяпти?». — Раҳмат. Йўқ-йўқ, бугун бўлмайди. Ўзим қўнғироқ қиламан. Бўпти, кўришгунча...

— Ким у?

— Биттаси. Танишим.

— Нимага мендан сўрамади сени? Овозим ёқмадими ё ўйнаш орттирдингми?

— Маликадан қаерим кам? Менгаям ошиқ-у зорлар қанча?

Бир мушт ургандим, гиламга йиқилди. Ётган жойида тепдим-у кўчага чиқиб кетдим. Ўшандан кейин бир ҳафтача зимдан ҳар қадамини пойладим. Кўнглим жойига тушиб, курорт-пурортга олиб борсамми деб турганимда...

У ҳаммомда чўмилаётган эди. Назаримда уйда бегона бор, эшикдан кириб келаётганимда сезиб, ширириб олган. «Болаларни атайлиб бувилариникига жўнатибди-да». Кийимилгичдаги бегона, яп-янги костюм аҳлдан оздирди. «Кийишга улгурмай, девор ошиб қочдими?».

Кийиниб, тараниб чиққанида ёқасидан олдим.

— Айт, ким билан эдинг, қанжиқ?!

— Ўзим, ёлғиз...

— Мана бу-чи, бу нима? — дея кўксига пичоқ санчдим.

— Чеварга... туғилган кунингизга... тиктиргандим, сюрприз деб...

Оғзидан қон келиб, жим қолди. Очиқ қолган кўзларини юмдим-у... Қўшни маҳалладаги у доим бир нарсалар тиктирадиган чеварга телефон қилдим.

— Костюм тайёр бўлдими?

— Муаттархонга бериб келганман боя...

Эгамберди оҳ уриб бошини чангаллади.

— Вафодор ёр эди у. Чиркин тасаввурим қурбони!

— Бир бощдан қоғозга тушириб беринг айтганларингизни!

— Қонни кўраяпман, ҳаммаёқингга, юзингга сачраган деб бошоратқилганди лўли хотин, — қоғозни қоралаётган бадбахтнинг кўзларидан ёш қуйилди.

Хотира муқаддас

ХОТИРАСИЗ МАНГУЛИК БЎЛМАС

Машойиҳлар ҳаётни карвонсаройга менгзайдилар. Бу маконга кимлар келиб-кетмади дейсиз. Кимдир бу иморатга бир ғиштт қўйса, бошқаси юлишга ҳаракат қилади. Яна кимнингдир келиб-кетганини ҳеч ким билмай қолади. Аммо нима бўлганда ҳам яхши инсонлар вақт-соати етиб дорулбақога риҳлат қилгандан кейин эл-юрт уларни «раҳматли яхши одам эди, ҳаммага қўлидан келганча ёрдам қиларди» дея хотирлайди.

Қисқа умри давомида қарийб 30 йил прокуратура тизимида меҳнат қилган Тоҳир Шукуров ҳам ана шундай инсонлардан эди. 1947 йилнинг 10 февралида Тошкентда туғилган Тоҳир ака болалигидан илм-фанга чанқоқлиги билан бошқа тенгқурларидан ажралиб турарди. Гоҳо синфдошлари келажакда ким бўлмоқчисан дея сўраб қолишса, албатта юрист бўламан деб жавоб берарди. 1965 йили Тошкент давлат юридик институтининг талабаси бўлган бўлажак юрист ушбу соҳани мукаммал эгаллашга интилди.

Бир қараганда Тоҳир Шукуровнинг фаолияти бошқа ҳамкасбларникидан деярли фарқ қилмайди. 1969 йилдан суд ижрочиси вазифасида иш бошлаган Тоҳир ака кейинчалик терговчи, туман прокурорининг ўринбосари, Паркент, Чиноз туманлари ва Янгийўл шаҳар прокурори бўлиб ишлади. Сўнгра Тошкент вилояти прокурорининг ўринбосари — тергов бошқармасининг бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатди. Тоҳир ака 1997 йилга қадар прокуратура тизимида меҳнат қилди. Шу йили бетоб бўлиб қолгани туфайли пенсияга чиқади. 1997 йилдан 2006 йилга қадар «Қибрай тумани машина парки» ХК жамоаси кузатув кенгаши раиси лавозимида ишлаган Тоҳир ака 26 декабр куни юрак хуружидан вафот этди. Қисқа умри мобайнида ўзидан яхши ҳуқуқшунос фарзандлар ва шогирдлар қолдирди.

Тошкент шаҳар халқаро ҳуқуқий ишлар бўйича ихтисослашган юридик маслаҳатхонаси адвокати Шаҳноза Пўлатова отаси ҳақида шундай хотирлайди:

— 1997 — 1998-йиллари адвокатликни энди бошлаган даврим эди. Ўзбекчиликка тўғри келмаса ҳам, отам билан бир марта порахўрлик жиноятида устида тортишиб қолганимиз ҳеч ёдимдан чиқмайди. У кишининг моддама-модда, ҳар бир бандга ҳаётий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда изоҳ беришлари ҳозирги ишимда менга катта сабоқ бўлмоқда.

Яна бир ғаройиб воқеа бўлган эди. Бир сафар отам мендан, мен эса ундан бехабар суд мажлисида бир жиноят иши кўрилишида қатнашган эдик. Энг қизиғи, мен айбланувчининг адвокати, отам давлат айибловчиси сифатида иштирок этаётган экан. Ҳозир ўша дамларни эсласам, кўзимга ёш келади. Жойлари жаннатда бўлсин илоҳим...

Тоҳир ака ҳаёт бўлганида 10 февраль куни 60 ёшини нишонлаган бўлар эди. Инсон ҳаётини бежиз оқар сувга ўхшатишмас экан. Вақт кўз очиб юмгунча ўтиб боравераркан. Киши дунёни тарк этганда ҳам орқада қолаётган зурриёди ва одамларга қилган яхшилиги уни эслатиб турар экан.

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
журналист

Турфа олам, турфа одамлар

ТАРБИЯЧИНИНГ «ҲАЗИЛИ»

Болалар боғчаси бизнинг тушунчамизда фарзандларимиз навниҳол каби парвариш қилинадиган бир маскан. Аммо ҳамиша ҳам бундай бўлиб чиқавермас экан.

Россиянинг Южно-Сахалинск шаҳар прокуратурасига маҳаллий болалар боғчаси тарбияланувчиларидан бирининг онасидан ариза келиб тушган. Унда айтилишича, мазкур боғча тарбиячиларидан бири унинг уч ёшли қизалоғини ҳеч бир сабабсиз ва асоссиз равишда укол қилган. Бу ҳақда боланинг онаси боғчадан қайтган қизалоғининг шикоятидан кейингина билиб қолган.

Ариза юзасидан ўтказилган текширишлар чоғида ҳақиқатан ҳам боғча тарбиячиларидан бири болалардан бирининг танасига шприц орқали номаълум модда жўнатгани аниқланган. Мазкур иш юзасидан жиноят иши кўзғатилди дея хабар беради «Regnum» агентлиги.

Дастлабки тергов жараёнида аниқланишича, шу боғча тарбиячиси Ю.Ш. туш пайти ухлашни хоҳламаган болаларни шприц билан укол қилишини айтиб доимий равишда қўрқитиб келган. Ўзига хос бу «тарбия усули»га берилиб кетган «боғча опа» бир сафар ҳатто болаларнинг кўз ўнгида тўполончи қизалоқни укол қилиб, унинг териси остига номаълум моддани жўнатиб юборган.

Шафқатсизларча содир этган бу ишининг ошкор бўлиб кетиши ва ишнинг бунақа тус олишини кутмаган Ю.Ш. шприц қизалоқнинг баданига тасодифан санчилиб кетгани, унда ҳеч қандай модда бўлмагани ҳақидаги чўпчаклари билан терговчини ишонтирмоқчи.

Текширишлар жараёнида тарбиячи Ю.Ш. ҳеч қандай педагогик маълумотга эга эмаслиги, ноқонуний йўллар билан мазкур муассасага ишга кириб олгани ҳам аниқланган.

Ушбу жиноят иши бўйича давом этаётган тергов ишини шахсан шаҳар прокурори назоратига олган.

Тўйхат ўрнида

Муборак ёшингиз қутлуғ бўлсин!

Прокуратура фахрийси Нонна Раден муборак 75 ёшни қарши олмоқда. 75 йил. Айтишга осон. Аммо бу йиллар ортида қанчадан-қанча қувончу шодликка, машаққату меҳнатга йўғрилган бир инсон умри мужассам.

Нонна Павловна ҳаётининг қарийб 30 йилини прокуратура фаолиятига бағишлади. Қаерда, қандай лавозимда ишламасин фидойилик, хизмат бурчига садоқатли бўлиш каби инсоний фазилатлари билан жамоатчилик орасида ҳурмат қозониб келди.

У кишининг прокуратура тизимида қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ёшларни тарбиялашдаги меҳнатлари ҳар доим эътироф этиб келинган.

Прокуратура раҳбарияти Нонна Павловнанинг узоқ йиллик ҳалол меҳнатини қадрлаб, бирнеча бор рағбатлантириб келган.

Муборак ёшни қаршилаётган шу кунда Нонна Павловнага ва унинг оила аъзоларига соғлик-саломатлик, узоқ умр, тинчлик ва осойишталик тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази

Бўлган воқеа

КАСАЛ КЎРГАН САВОБ

— Оқ дурранг борми? — Эсонали нонуштадан сўнг хотинига юзланди. — Бугун обедгача вақтим бор экан, кўшним Турсун Асқаровични кўриб келай. Клиникада ётибди.

— Вой, — бурнини жийирди Эъзозахон, — шу одамнинг ҳол сўрашингизга жуда кўзи учиб турибди-да. Борақолинг. Турсун ака касалмас, проста дам олиб ётибди, хотини айтди.

Эсонали индамади, эскириб қолган калишини тўғрилаган бўлди.

— Оёғингиз қайрилиб касалхонада ўн беш кун ётдингиз. Лоақал бир марта бош суқиб кўймади-ю...

— У раҳбар одам, иши кўп. Касалхонадан келганимда кўчада сўрашганмиз. Майли, у киши мени кўрмасаям, мен кўриб қўяман, касал кўрган савоб. Эртага кўз кўзга тушиши бор.

— Ўзингиз биласиз, — Эъзозахон эрининг қўлига оҳорли дурра ва салафан халта тутди.

Домла бозор айланди, камхаржлигига қарамай ул-бул нарса харид қилиб, халтани тўлдирди. Сўроқлаб амалдор қўшниси ётган палатани топиб борди.

Турсун Асқарович эгнига кулранг халат кийган, оқ оралаган сочлари силлиқ таралган, диванда ёнбошлаб телевизор кўраётган экан.

Эсонали пояндоз устига калишини ечди. Қўлидаги халтани ноз-неъматлар билан тўла стол четига қўйди. Турсун Акбарович дивандан оёғини тушириб, домлага қалин, юмшоқ кафтини чўзди. Эсонали икки қўллаб қўришиб, ҳол-аҳвол сўрашган бўлди. Қўшнисининг қип-қизил чехрасига қараб, хотинининг «у одам касалмас, дам олиб ётибди» деган гапини эслади.

Гап гапга қовушмади. Амалдор салом-аликдан нарига ўтмади.

Домла мулзам бўлди, хонанинг иссиқлигигами ё амалдорнинг салобати босдими, пешонаси терлади.

Турсун Асқарович экрандан кўз узмаган ҳолда шунчаки мулозамат қилган бўлди:

— Домла, чойнакда чой бор, иссиқ. Қуйиб ичинг.

Эсонали нима деб гап бошлашини билмас, хайрлашиб чиқиб кетиш эса ўнғайсиз эди.

Шу пайт эшик оҳиста тақиллади, дўндиққина ҳамшира қиз кўринди. Домла енгил тортди.

— Турсун Асқарович, сизга меҳмонлар келди.

Бемор ўрнидан турди, оёғига яшил шиппагини илди. «Оббо, мен ҳозир» деди-ю, ташқарига йўналди. «Бормисиз?», «Бурга тептими?», «Эркагими, урғочисими?» деган гап-сўзлар ва гулдур-гулдур кулгилар эшитилди.

Эшикқия очилди. Ҳалиги дўндиқча кирди. Чаққонлик билан диванни, стол устини тартибга келтирди, сўнг домлага қараб:

— Амаки... Айбга санамайсиз. Турсун Асқарович айтдиларки... Нозик меҳмонлар келишибди. Хонамиз тор, шунга сиз... ташқарига чиқиб турарканси.

Эсонали ҳушёр тортди, шошиб ўрнидан турди.

Абдулаҳад ЎРМОНОВ,
Асака шаҳри

ХИТОЙЛИКЛАР ВА РИМ ЛЕГИОНЕРЛАРИ

Кўҳна Хитойнинг Гоби чўлида жойлашган Лицян қишлоғи аҳолиси ўзларини қадимги римликларнинг авлоди деб билишар экан. Бу ҳақда турли-туман афсона-ю ривоятлар ҳам тўқиб ташлашган. Ана шу гап-сўзлар ҳақиқатга мос келиш-келмаслигини аниқлашга киришган бир гуруҳ олимлар қишлоқ аҳлининг 93 нафаридан ДНК таҳлили учун қон олишди.

Қишлоқ аҳли ўзларини римликлар авлоди деб ҳисоблашига бир қарашда асос бордек. Сабаби, бу ерликларнинг аксари мовий кўзи, юз тузилиши билан европаликларни эслатади. Улар баланд бўйлари билан хитойликлар орасида ажралиб туришади.

Лицянлик оқсоқолларнинг фикрича, бир замонлар римлик аскарлар бу ерларга келиб ўтроқлашиб қолганлар. Ёшлар эса айни шу назария тўпканинг тубидаги бу қишлоққа сайёҳларни жалб қилиши мумкин деган фикрда.

Қишлоққа яқинроқ жойлашган шаҳарчанинг кираверишида Рим легионери, конфуцизм файласуфи ва исломий либосдаги аёл ҳайкали ўрнатилган бўлиб, у ирқлараро ва эътиқодлараро уйғунлик рамзи саналади.

Хитойдаги бу қишлоқ ва Рим империяси ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги шов-шувлар ўтган асрнинг эллигинчи йилларида, Оксфорд университети профессори Гомер Дабс тарихий манбаларда чин ўлкасида қўним топган Рим легионерлари ҳақидаги маълумот борлигини маълум қилганидан кейин тарқалган эди.

Профессорнинг тахминича, римлик қўмондон Марк Красс ва унинг ғойиб бўлган армиясининг авлодлари лицянликлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ахир бутун бошли армия изсиз йўқолиши мумкин эмас. Парфияликлар, яъни бугунги ўртаосиёликларнинг аждодлари томонидан тор-мор этилган Марк Красс армияси Осиё кенгликларида 17 йил адашиб юриб, охири Хитойга бориб қолишган ва шу ерда қўним топишган.

Оксфорд профессорининг бу назарияси, турган гапки, Хитой ҳукумати мафкурасига зид келган ва тан олинмаган эди.

Орадан йиллар ўтиб яна шу мавзуга қайтишга қарор қилган олимлар маҳаллий аҳолидан олинган қоннинг ДНК таҳлилига жиддий киришди. Шуни ҳам айтиш керакки, олимларнинг аксарияти шов-шувли натижага ишонишмаяпти. Чуни Рим легионерларининг ҳаммаси ҳам европалик бўлишмаган.

ИНТЕРНЕТДАГИ ПЕНСИОНЕРЛАР

АХА суғурта компанияси томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларидан бугунги инглиз пенсионерларининг машҳур овунчоғи — боғдорчилик ва ҳунармандчилик секин-аста интернетга ўрнини бўшатиб бераётгани маълум бўлган.

Айни пайтда инглиз пенсионерлари ўртача олти соат интернет билан овора бўлар экан. Улар асосан интернет орқали болалари ва неваларидан хабар олишни хуш кўришади дейилади маълумотда. Маълумот ўрнида эслатиб ўтамиз, интернетдан энг кўп фойдаланувчи пенсионерлар АҚШда яшайди.

Шавкат тайёрлади

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Buyurtma Г — 152. 27 093 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: F.MAMASHARIPOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 19.30 12.[illegible] 5678